




ШҶРЧИ ТУМАНИ ҲОКИМИ
SHO'RCHI TUMANI HOKIMI
ҚАРОР – ҚАРОР

«04» февраль 2017 йил

№ 110

ШҶрчи тумани

ШҶрчи туманидаги кишлок хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 2452, 25.04.2013 йил) асосан 2017 йилда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган барча кишлок хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (кейинги ўринларда техникалар деб юритилади) мажбурий техник кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш кишлок хўжалиги техникаси бўйича ШҶрчи туман давлат инспектори томонидан рўйхатдан ўтказилган барча техникаларнинг 2017 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.
2. Тумандаги техникалар рўйхатини шаклантириш ҳамда техник кўриқдан ўтказиш, кишлок хўжалиги техникаси бўйича ШҶрчи туман давлат инспектори (Ф.Бобохонов) зиммасига юклатилсин.
3. Техник кўриқдан ўтказишда:
барча техникаларнинг техник ҳолати ва жиҳозлари стандарт талабларига, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда нормаларига мос келиши;
техник кўриқ бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши, махсус техникалар, ҳаракатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг жиҳозланганлигига эътибор қаратилсин.
4. 2017 йилда техник кўриқни уюшқоқлик билан сифатли ўтказиш, техникаларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш мақсадида, техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича ШҶрчи туман давлат инспектори (Ф.Бобохонов) 2-иловага асосан тасдиқланган техник кўриқдан ўтказиш иш режасини ҳар бир техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён

матнларда мулкдор деб юритилади) етказиш ҳамда ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юклатилсин.

6. 2017 йил давомида техникаларнинг техник кўриқдан ўтказганлиги учун давлат инспектори томонидан ундириладиган йиғимларнинг ставкалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тумандаги ҳар бир мулкдор техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисидаги далолатномаларни тўлдириш ва техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этишда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилсин.

8. Суғурта ташкилотларига тумандаги барча тракторлар, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш техникалари ва трактор тиркамаларидан тушадиган мажбурий суғурта бадалини ундириш тавсия қилинсин.

9. Туман ҳокимининг 2016 йил 19 январдаги 36-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Заиров зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Шўрчи туман ҳокими



Х.Н.Маматқулов

Туман Хоқимининг
2017 йил 04-февралдаги
110- сонли қарорига
1 -илова

Шўрчи тумани ҳудудидаги техника эгаларига тегишли қишлоқ хўжалиги
ва мелиоратив техника , асбоб-ускуналарни 2017 йилда техник кўриқдан
ўтказувчи туман комиссияси таркиби

1. **Ф. Бобохонов** “Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича” Шўрчи
туман давлат инспектори, комиссия раиси.
2. **К.Алимардонов** Шўрчи Агросервис МТП» АЖ
раиси
3. **А. Худойназаров** “Шўрчи- Пахтакор ММТП” бошлиги
4. **А.Умаров** «Шўрчи Таъмирлаш заводи» МЧЖ муҳандиси
5. **Н. Холиёров** “Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича” туман
давлат инспектори



2017 йил давомида техникаларнинг техник кўриқдан ўтказилганлиги учун давлат инспектори томонидан ундириладиган йиғимларнинг ставкалари.

Т/р	Йиғимнинг номи	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан йиғим миқдори
1.	Тракторлар, трактор тиркамиалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга	0.18
2.	Қишлоқ хўжалиги машиналарига	0.10
3.	Машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига	0.37

Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича
Шўрчи туман давлат инспектори:

Ф. Бобохонов